

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали тариф 08.11.2017 й.даги ПҚ-3379-сонли қарорда тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишчиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тасдиқланган тариф бўйича амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган Истеъмолчи билан (бюджетки ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг настанициялари, шунингдек, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялар бундан мустасно) ҳисоб-китоб қилишда сутка вақтлари бўйича табақалаштирилган тариф кўлланилади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар сутканинг қуидаги даврлари фойдаланилган энергия учун:

ярим тифиз давр - сутканинг ёруғ вақти (9-00 дан 17-00 гача) - белгиланган тариф бўйича;

тифиз давр - эрталабки ва кечки «энг катта миқдор» (ягона электр энергетики тизимишининг энг катта юкламали соатларида: эрталабки «энг катта миқдор» - 6-00 дан 9-00 гача, кечки «энг катта миқдор» - 17-00 дан 22-00 гача) - белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш бўйича;

тунги давр - сутканинг қоронғи вақти (энг кам юкламали соатларда: 22-00 дан 24-00 гача ва 00-00 дан 06-00 гача) - белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда камаючий коэффициентни кўллаш бўйича амалга оширилади.

Белгиланган тариф II тариф гуруҳи истеъмолчилари учун бир ставкали тарифга мөнгөлелади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоб қилишга мўлжалланмага истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилишда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВАгача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатида назард тутилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилишда Хукумат қарори билан белгиланган тариф кўлланилади.

3.3. Мазкур шартнома бўйича Истеъмолчи ҳамда Корхона ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар учун ҳисоб-китоб қилиш даври бир ой саналади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Бонн прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) воколатли шахси билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ёзib олади ва мазкур шартноманинг З-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот тузади.

Истеъмол қилинган энергиянинг ҳақиқий ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб, Истеъмолчи томонидан “10” санагача бўлган муддатда худудий электр тармоклари корхонаси ҳамда Бюрога ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали белгиланган шаклда тақдим этилган энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот саналади.